

---

## Фарғонада шафтоли экспорти бошланди

Қувасой шахри, Олтиариқ, Бешариқ ва Ўзбекистон туманлари йирик шафтоли боғларига эга бўлиб, айнан мазкур туманларда етиштирилган шафтолиларга хорижда талаб катта бўлмоқда.

2021 йилда ҳам шафтолининг дастлабки партиялари Россия ва Қирғизистонга экспорт қилиниши бошланди. “Водий”, “Қувасой” ва “Қиргули” ташқи иқтисодий фаолият божхона постлари томонидан экспорт божхона режимига шафтоли маҳсулотлари расмийлаштирилмоқда.

2020 йилда вилоятдан жами 15,6 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 12 минг 450 тонна шафтоли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Россия, Қирғизистон, Қозоғистон, Литва, Латвия ва Украина каби давлатларга экспорт қилинган.

2021-06-14 20:02:26

[22222: kun.uz](#)